## Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойи

# ЎЗБЕКИСТОННИ ЯНГИЛАШДА, УНИНГ СУВЕРЕНИТЕТИ ВА ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА, ХАЛҚ УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШДА ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА ВАЗИФАСИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Жумҳуриятларда бугун мутлақо бир-бирига ўхшамайдиган турли хил ижтимоий-сиёсий тизимлар вужудга келмоқда. Бунга табиий ҳол деб қараш керак. Негаки, ҳар бир халқ миллий давлат қурилмаси шаклини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Худди шу нарса айрим сиёсий кучларга ёқмаяпти. Улар аллақандай «ягона демократик макон» деган шартларни байроқ қилиб, ўзларига маъқул бўлган сиёсий ва иқтисодий тазйиқни ўтказишга уринмоқдалар.

Ана шундай мураккаб шароитда жумҳуриятимиз бошқа минтақаларда рўй бераётган қарама-қаршиликдан, жамиятни барбод этишга хизмат қилаётган жараёнлардан узоқроқ туришга ҳаракат қилаяпти.

Мен жуда кўп такрорлайдиган принципимиз шуки, бизнинг ўз йўлимиз бор, ўртоқлар! Биз воқеаларни сунъий равишда тезлаштириш тарафдори эмасмиз. Нимаики қилсак ва қилаётган бўлсак, Ўзбекистоннинг туб хусусиятларидан, ҳаётий эҳтиёжларидан келиб чиқиб қилдик ва бундан кейин ҳам мана шундай тарзда иш олиб бораверамиз.

Жумҳуриятимизда халқимизнинг табиий, конституциявий ҳуқуқига асосланиб, унинг азалий орзу-умиди бўлиб келган мустақиллик эълон қилинди.

Мен буни энг муҳим тарихий ва ҳаётий эҳтиёжларимиздан бири деб биламан, ўртоқлар! Бу мустақиллик сари бурилиш ҳаракати 1985 йилдаёқ бошланган жараённинг мантиқий натижаси сифатида юзага келди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу тарихий воқеа Ўзбекистоннинг бугуни ва истиқболини белгилаб берувчи асосий омил бўлади.

Бизнинг Ўзбекистон халқларининг туб манфаатларига, орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қаратилган хатти-ҳаракатларимиз кимларгадир ёқмасдан, жумҳуриятимизда тоталитар тартиботни сақлаб қолишга интилишдек бўлиб кўринмоқда. Муҳолифларимиз бизни ажралиб чиқишга интилишда ва экстремизмда айблашга уринмоқдалар. Бунақа бўҳтон гапларга ҳеч қанақа асос йўқ.

Ҳаммага аёнки, биз энг сўнгги дамларгача Иттифоқ Шартномасига қўл қўйиш тарафдори бўлдик. Иқтисодий ҳамкорлик шартномасини биринчилар қатори имзоладик. Бугун ҳам биз суверен мустақил давлатларнинг эркин конфедерациясини ташкил этишни истаётганлар билан қўлни қўлга беришга тайёрмиз.

«Маслаҳатли тўй тарқамас» деган гап бор халқимизда. Мавжуд муаммоларни ечиш учун ким биз билан тенглашмоқчи бўлса, марҳамат, эшигимиз очиқ.

Ўзбекистонга, ўзбек халқига, унинг раҳбариятига гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан маломат тошларини отилаётганига эътиборсиз бўлмаслигимиз керак, деб ўйлайман.

Авваламбор бунақа уринишлар ўз байроғи остида бугунги Иттифоқдаги ва жумҳуриятимиздаги мураккаб вазиятдан фойдаланмоқчи бўлган, Ўзбекистоннинг келажаги учун ҳеч қачон жон куйдирмасдан, фақатгина ўз ғаразли манфаатларига эришмоқчи бўлган, имон-эътиқодини йўқотган шахсларни тўплаб олиши турган гап.

Сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар ўтказишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Худди иқтисодда бўлганидек, сиёсий ва ижтимоий ҳаётимиз ҳам, мафкуравий ўйинлардан, ғаразлардан халос бўлиб, соғлом ақл-идрок асосида қурилиши керак. Жумҳуриятимиз танлаётган йўл халқнинг тарихий анъаналарига суянган, уларни қайтадан тикловчи ва янги мазмун билан бойитувчи ижтимоий тараққиёт йўлидир.

Биз бу йўлга қадам қўяр эканмиз, ўтмишга бир назар ташлаб, тарихнинг аччиқ ва шифобахш сабоқларидан хулоса чиқариб олишимиз керак. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси юргизмоқчи бўлган сиёсатнинг сарчашмаси ҳам, энг аввало ўша тарих сабоқларидадир.

## I. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг сиёсати— халқ манфаатларини ифодаловчи сиёсатдир

Бугун Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ҳаётга қадам қўймоқда. Бу партия халқ маъқуллаган барча яхши сифатларни ўзига мерос қилиб олади. **У собиқ Компартиянинг янгича кўриниши эмас, балки мазмуни ва фаолият усули жиҳатидан батамом янги сиёсий партиядир.** Бу партия ўз фаолиятида халқнинг энг яхши демократик анъаналарига, халқнинг тарихий тажрибасига, адолат, эзгулик, тенглик ва инсон шахси эркинлиги каби умуминсоний қадриятлар ҳамда идеалларга, ахлоқийлик ва одамийлик қоидаларига суянади.

Кўҳна тарих ҳақида сўз юритар эканмиз, энг аввало у — халқ хотираси, деган ҳикматли иборага амал қилишимиз зарур. Хотирасиз инсон тугал ва комил бўлмагани каби, ўз тарихини унутган халқнинг ҳам ҳеч қачон келажаги бўлмайди.

Минтақанинг қадимий халқлари вақти-вақти билан бир неча бор равнақ ва таназзул даврларидан ўтиб, ажнабий босқинчиларнинг жабр-зулмини ҳам, озодлик натижасини ҳам тўла-тўкис бошдан кечириб, ҳар қандай эркинликни барбод этувчи мафкурачилик исканжасига неча марталаб мубтало бўлганлар. Шунга қарамай, улар ўзларининг бутун кўп асрлик тарихи мобайнида адолат, тенглик, яхши қўшничилик ва инсонпарварлик туйғуларининг нозик ришталарини авайлаб-асраб келдилар. Эҳтимол, биз ҳақиқатан ҳам илк бор жозибали умуминсоний қадриятларга мурожаат этаётган бугунги кунда, юқорида зикр этилган анъаналарни қайтадан тиклаш, уларни янги мазмун билан бойитиш жоиздир.

Биз тарихимизни ёритишда уни давр, муайян сиёсий гуруҳлар ёки айрим шахслар манфаатларига мослаб талқин этишни қаттиқ қоралаймиз. Ғоят мураккаб ва зиддиятли тарихимизни холисона ва илмий ўрганиш,—тарихчи олимларимизнинг масъулияти ва олижаноб вазифаси, деб ҳисоблаймиз.

Лекин, шуларга қарамасдан, тарихимизни ўрганишнинг айрим муҳим жиҳатларини айтиб ўтмасак бўлмайди.

**Биринчидан,** ўтмишда содир бўлган барча воқеалар— яхшиси ҳам, ёмони ҳам — бизнинг тарихимиз, ота-боболаримиз хотираси. Шу боисдан ҳам тарихнинг халқ учун энг оғир ва шу билан бирга азиз бўлган саҳифаларига асло қора бўёқ суркаб бўлмайди.

**Иккинчидан,** тарихга ҳурмат туйғуси — ўтмишдаги ибтидоий турмуш тарзига кўр-кўрона сажда қилиш эмас. Гўёки ўтмишда қолиб кетган «олтин аср»ни излаш ва уни топиб, бугунги кунда қайта тиклаш истаги аслида пуч нарсадир.

**Биз ўз тарихимизни жуда яхши, пухта билишимиз ва ҳурмат қилишимиз керак. Тарих биз учун сабоқ бўлиши зарур. Зероки, тарихни чуқур идрок этсак эски хатоларни ҳеч такрор қилмаймиз. Аксинча ўзимизнинг бугунги кунимиз ва келажагимизни тўғри белгилаб олиш имкониятига эга бўламиз.**

Шунинг учун ҳам биз Ватанимизнинг бутун тарихи тўла-тўкис, ҳеч қандай ғоявий либосларни кийдирмасдан, яъни унинг ўзи қандай бўлса, худди мана шундай ҳолида халқ мулкига айланишини истаймиз.

Тарихни ақидалар асосида талқин қилишдан воз кечиш пайти келди. Энди тарихий воқеаларга ғайри илмий баҳо беришга йўл қўйиб бўлмайди.

XIX асрнинг ўрталаридан бошланган давр айниқса, шундай холисона ёндошувга муҳтож. Худди шу давр ва инқилобга туташ йиллар ҳақида сўз кетганда, сиёсий цензурачиларнинг, айниқса, зўр бериб ишлатилганини айтиш керак.

Бу даврга келиб, замон талабларига кўра, демократия ва маърифатчилик ғоялари тез таркиб топди ва ривожланди. Давлат тузуми ва маданият соҳасида дунёвий илм ҳамда тасаввурларга интилиш жуда кучайди.

Чор Россиясининг Ўрта Осиёни забт этиши ўлкамизни Россия саноат районларининг хомашё маконига айлантириб қўйди ва бу ерларда яшайдиган кўпчилик халқларни бевосита ёки билвосита ўз мустақил давлат тузумларидан жудо қилди.

1917 йилда бутун Россия империясини қамраб олган инқилобий жараёнлар бизнинг халқларимиз кўнглида ижтимоий, миллий ва мустамлакачилик истибдодидан батамом қутулиш умидини уйғотди. Ушбу жараёнлар миллий давлат яратиш учун, ўлкадаги халқларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан тўлиқ мустақил бўлиши учун демократик кучларнинг курашига қудрат бағишлади.

Аммо бу жараёнлар ривожи жуда чигал ва зиддиятли эди. Дастлабки даврларда инқилобий ғояларни амалга оширишга раҳбарлик қилишда маҳаллий аҳоли вакиллари мутлақо қатнашмади, десак ҳам бўлади.

Уларни минтақанинг ўзига хос жиҳатларини тушунмайдиган ва билмайдиган кишилар четга суриб чиқариб қўйдилар. Улар халқнинг асрлар мобайнида шаклланган анъаналари, урф-одатларига, турмуш тарзига зид, уларга тўғри келмайдиган хато сиёсатни амалга оширдилар. Тор синфий қарашлар, большевикча ҳаддан ошиш, ур-йиқит, инқилобни четга ёйиш каби ҳаракатларнинг оқибати яққол сезилди.

Шу сабабдан ҳам бугун биз йиллар давомида аксилинқилобий, реакцион ва миллатчилик деб баҳоланган «жадидлик», «пантуркизм» ва босмачилик ҳаракатлари каби зиддиятли ҳодисаларни холислик билан атрофлича қайта таҳлил қилишимиз керак, деб ҳисоблаймиз.

20-йилларга келиб, ҳукумат органларига халқ демократияси ғояларига содиқ, маҳаллий халқнинг илғор кайфиятдаги ўз вакиллари ҳам кира бошладилар. Сиёсий, иқтисодий ва маданий жабҳалардаги маълум ижобий ўзгаришлар энг аввало уларнинг фаолиятлари билан боғлиқ. Маҳаллий раҳбарларнинг хизматлари туфайли миллий давлатчилик тузулмалари юзага келди, ишлаб чиқаришда саноат базаси яратила бошланди, мунтазам халқ маорифи тизими йўлга қўйилди. Айни замонда Иттифоққа кирган бошқа халқлар билан дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ёрдам муносабатлари ҳам ривожланди.

Лекин шунга қарамай вазият жуда оғир ва фожиали эди. Худди ўша 20-йилларнинг охирларига бориб, маъмурий-буйруқбозликка асосланган мустабид марказ узил-кесил шаклланиб улгурди. Ушбу марказ амалда чекланмаган ҳокимиятни ўз қўлида мужассамлаштириб, жумҳуриятларнинг мустақиллигини оёқости қилди, шахсларнинг, фуқароларнинг энг оддий ҳақ-ҳуқуқларини топтади.

Ўзбекистонда феодализм асоратидан ва мустамлака ўтмишдан қутулишга қаратилган илғор ҳаракатлар тўхтаб қолди. Жумҳурият яна кўп йиллар мамлакатнинг хомашё базаси ролини ўташга маҳкум этилди. Россия империясининг тарих ахлатхонасига улоқтириб ташланишга мансуб «пахта мустақиллигига эришиш» деган ғирром шиори яна қайтадан тикланди. Пахта яккахокимлиги узил-кесил қарор топди, иқтисод батамом хомашё етказишга ўтказилди.

Бундай иқтисодий сиёсатнинг оқибати шу бўлдики, бугунги кунда бизларнинг ҳосилдор ерларимиз ҳолдан тойди, қисман ишдан чиқди. Оролбўйида экологик ҳалокат юзага келди, халқ хўжалиги мажмуи бир томонлама ривожланди, халқимизнинг турмуш даражаси пасайиб кетди.

Жумҳуриятимиз халқи 30—50-йиллардаги сталинча қатағондан қаттиқ жабр кўрди. Илғор фикрли кишилар марказнинг амри ва тазйиқига қарши чиқдилар. Натижада уларни «халқ душмани» деган тамға билан таъқиб этишди, қамашди, ўлдиришди.

Айниқса, маънавий йўқотишларимиз катта бўлди. Тарихий ва маданий меросга тор синфий нуқтаи назардан ёндашиш, сохта «социалистик реализм» назариясини қурол қилиб олиш миллий маданиятларни барбод этиб, уларни бир хил қолипга солиб қўйди. Ўзбек адабиётининг кўплаб илғор намояндалари «советларга қарши» деган ёлғон айблар билан йўқ қилиб юборилди.

Йиллар давомида, ҳатто яқин-яқин кунларгача тарихан шаклланган анъаналаримиз ва урф-одатларимиз «душман мафкураси» билан кураш ниқоби остида жамият ҳаётидан қувғин қилинди. Дин ва даҳрийликни ғоят жўн ва қўпол тарзда тушуниш фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган виждон эркинликларини қўпол бузишга олиб келди.

80-йилларнинг ўрталарида республикамиз халқи бошига яна катта мусибатлар тушди. «Пахта иши» деб аталмиш уйдирма айблар ва ғайри-қонуний тазйиқ кўплаб оилалар бошига фожиа келтирди. КПСС Марказий Комитети томонидан Ўзбекистонга юборилган «адолат учун кураш десанти»га кирган бетайин кимсалар ҳам бизга жуда ҳам катта зиён етказдилар.

Буларнинг ҳаммасини таҳлил қилиб, чиқариб олган энг катта сабоғимиз шундан иборат бўлдики, маъмурий-буйруқбозлик ва тоталитар тизимининг турган-битгани зиён эканини англаб етдик. Якка-партиялилик ғояси, яъни КПССга жамиятда раҳбарлик ва раҳнамоликни берувчи ғоя ҳам замон талабига жавоб бермай қолди. Бундай амалиёт эндиликда халқнинг туб эҳтиёжлари ва манфаатларини рўёбга чиқаришга ожизлик қилиб қолди. Чунки у бутун туриш-турмуши билан мустақилликка қарши ҳукумат тузилмаларини ҳаракатга келтирувчи восита эди.

Биз бир партия якка ҳокимлигига барҳам берилишини ва кўп партияликнинг вужудга келишини объектив ва тарихан муқаррар жараён деб тушунамиз. Шу муносабат билан «Эрк» демократик партиясининг қонуний тан олинишини ва шу мақсадга уринаётган бошқа партияларни қўллаб-қувватлаймиз. Янги партияларнинг тан олиниши, унга жамият манфаатлари йўлида савобли ишлар қилишга кенг имкониятлар яратиб берилишига шак-шубҳа йўқ.

Унитар тизимини қоралар эканмиз, шу билан бирга биз ўтган 70 йилдан кўпроқ давр мобайнида қилинган муайян хайрли ишлардан кўз юмолмаймиз. Чунки бу ишлар халқларнинг иродаси билан амалга оширилган.

**Шунинг учун ҳам биз Ватанимизнинг бутун тарихи тўла-тўкис, ҳеч қандай ғоявий либосларни кийдирмасдан, яъни унинг ўзи қандай бўлса, худди мана шундай ҳолида халқ мулкига айланишини истаймиз.**

Халқ манфаатларини оёқости қилган мустабид сиёсатни кескин қоралар эканмиз, биз ҳеч қачон бу мудҳиш сиёсат билан рус халқининг хоҳиш-иродаси ўртасига баробарлик белгисини қўймаслигимиз керак.

Рус халқи ҳам биз билан баробар тоталитар тизимининг азобини тортди. Республика тарихи давомида биз билан ёнма-ён яшаётган рус ва бошқа қардош халқлар вакиллари ҳам ўзбек халқининг озодлик, адолат ва ижтимоий тараққиёт сари интилишини қўллаб-қувватлаб келдилар, биз билан ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини баҳам кўрдилар.

80-йилларнинг охирига келиб, бизнинг кўзимиз очила бошлади. Биз ўз **республикамиз халқлари манфаатларига мос келадиган, ўз ички ишларимизга бировларнинг аралашувини истисно этадиган мустақил сиёсат ишлаб чиқиш зарур эканини тушундик.** Бу ғояларни биринчи бўлиб Ўзбекистон Компартияси олға сурганини **адолат билан тан олиш керак.** Компартиянинг республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқларнинг маданий анъаналарини тиклашга, жумҳуриятда фуқаролар ва миллатлар тотувлигини таъминлашга, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этишга қаратилган амалий ҳаракатлари халқимиз томонидан маъқулланди.

Лекин у ўзининг бошқарув ҳокимияти вазифаларини бажарувчи, назарий томондан КПСС бошида турган, бутун ҳокимиятни ўз қўлида мужассамлаштирган бир ҳовуч кимсаларнинг ҳукмронлигига хизмат этувчи ақидаларга таянган эски, авангард тусидаги сиёсий ташкилот сифатида умрини яшаб бўлди.

Ҳаётнинг янгича талаблари сиёсий майдонига янги кучлар ва тубдан янги фаолиятли сиёсий партияларнинг чиқишини тақозо этди.

Биз халққа зўрлаб буюрган, гўёки энг юксак донишмандлик сифатида тақдим этилган эски мафкуравий тузоқлар ва қотиб қолган, ҳаётдан ажралган қоидалардан батамом воз кечмоқдамиз. Биз демократик ва ҳуқуқий тартиблар ўрнига амирона-бюрократик тазйиқ ҳоким бўлган сиёсат ва давлат тузимидан воз кечмоқдамиз. Ўзларини энг олий ҳақиқат дарғалари деб ҳисоблаган КПСС «доҳийлари»нинг эскидан қолган қуруқ шиорлари ва қоидаларидан ҳам бутунлай воз кечамиз.

«Порлоқ коммунистик келажак» ҳақидаги, социализм ғалабаси ҳақидаги турли шиорлар, «социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабаси», «ривожланган социализм» ва ҳоказо «изм»ларнинг ҳаммаси сафсата эканини ҳаёт тасдиқлади ва биз буни тушуниб етдик. Бу шиор ва қоидалар халқнинг, оддий фуқароларнинг бугунги ташвиш ва муаммоларини, уларнинг бошига тушган қийинчиликларни, уларни ечишга ожизликни яшириш учун ўйлаб топилган ниқоблар эди, холос.

Қайта қуриш ва янгиланиш жараёни аҳолининг барча тоифаларини уйқудан уйғотди, одамларнинг миллий ва фуқаролик онгини ўстирди, ҳаётимизда содир бўлган ва бўлаётган воқеаларни тўғри баҳолаб, уларнинг миясига мажбуран қуйилган ёлғон-яшиқлар заҳридан қутулиш имконини берди.

Халқ-Демократик партияси ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ демократия, озодлик, ижтимоий тараққиёт ва адолат ғояларининг барча тарафдорлари учун очиқ бўлиши керак. Бу партия вақт синовидан ўтган, халқ томонидан тўла қўллаб-қувватланган илғор фикрларни ўзига дастур этиб олади. Биз бугун вужудга келадиган янги партиямизнинг дастурий мақсадларини, халқнинг кечаги куни, бугуни ва келажак ҳаётини танқидий кўз билан ҳисоб-китоб этган ҳолда холисона баҳолашни таклиф этамиз.

## II. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг дастури— демократик ислоҳотлар дастури

Аввало, шуни таъкидлашни истардимки, партия Дастури лойиҳаси йўнгги йилларда омма маъқуллаган ва эътироф этган ғояларни ривожлантиради ва бойитади. Янги партия инсонпарварлик ва демократия қоидаларини, меҳнат аҳлининг манфаатларини муҳофаза қилишни ўзи учун асосий йўналиш қилиб олган.

Бизнинг бош мақсадимиз — ҳар бир кишининг ўз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмушини эркин танлаб олишига кафолат берадиган жамиятни, сиёсий ва иқтисодий эркинлик, демократия, тенглик ва ижтимоий адолат ўрнатилган жамиятни барпо этишдир.

Бу ерда гап одамларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, миллатидан, ижтимоий насл-насабидан, эътиқоди ёки қайси динга мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталиги тўғрисида бормоқда. Фуқаролар ва миллатлар тотувлиги, ҳаётнинг барча соҳаларида тартиб ва қонунийликка роия қилиш — ана шундай жамиятни барпо этишнинг асосий йўли деб ҳисобланмоғи керак.

Партия Дастурининг энг устун вазифаларидан бири — Ўзбекистоннинг чинакам давлат мустақиллигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш, республикамиз жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида қарор топишига эришишдан иборат.

Халқ-Демократик партияси собиқ СССР субъектлари — мустақил давлатларнинг эркин конфедерацияси, ягона иқтисодий макон, сиёсий, дипломатик ва ҳарбий соҳаларда барча халқларнинг манфаатларини ҳисобга оладиган ва ўзаро маъқулланган сиёсатни ўтказиш тарафдоридир. Бу партия Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг анъанавий тарихий алоқаларини тиклаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, минтақанинг муштарак муаммоларини ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик қилиш йўлини тутади.

Халқ-Демократик партияси, бу тадбирларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, шуни ҳам таъкидлайдики, республика ёқлаб чиқаётган конфедерация ҳақиқатан ҳам эркин, тенг ҳуқуқли ва мустақил давлатларнинг уюшмаси бўлиши лозим, унда илгари бўлганидек «катта» ва «кичик» биродарлар, машъум марказнинг зўравонлиги ва москвалик амалдорларнинг чекланмаган яккахокимлиги батамом барҳам топиши керак. **Ўзбекистон эндиликда ҳеч қачон ва ҳар қандай шароитда иккинчи даражали мавқеда туришга рози бўлмайди. Тенглар орасида тенг бўлиш халқимизнинг муносиб ва асрий орзусидир.**

Давлат мустақиллиги эълон қилингани, тегишли қонун ҳужжатларининг қабул этилиши бу йўлдаги босқичдир. Янги партиямиз катта маънавий ва сиёсий салоҳиятга эга бўлиб, барча илғор ва демократик фикрловчи кишиларга, чинакам ватанпарварлар учун кенг очиқ бўлиб, у Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин олишига ва ривожланган демократик давлат сифатида мустаҳкамланишига ёрдам беради, деб ишонамиз.

Ўзбекистоннинг чинакам мустақил давлат сифатида мустаҳкамланишига қаратилган сиёсий йўл тутиши — сира ҳам бошқа халқлардан ажралиб қолиш, деган маънони билдирмайди.

Ишончимиз комилки, барча халқларнинг ҳаёти ва фаровонлигига баравар дахлдор бўлган энг муҳим иқтисодий, экологик, ижтимоий муаммоларни биз фақат биргаликдагина ҳал қила оламиз.

Мустақиллигимиз халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш, Ўзбекистоннинг миллатлараро жаҳон ҳамжамиятига, биринчи навбатда тарихий тақдири яқин бўлган мамлакатлар ҳамжамиятига уйғун равишда қўшилишига бор кучимиз билан кўмаклашишимиз муҳимдир.

Бизнингча, республиканинг ташқи сиёсати халқ манфаатларига амал қилиш ва фақат тенглик, ички ишларга аралашмаслик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатдорлик қоидаларига асосланиши керак. Биз ҳаммага яхши маълум бўлган «Тошкент руҳи»ни, Ўзбекистон пойтахтининг шарқдаги етакчи иқтисодий, маданий ва сиёсий марказлардан бири сифатида тарихий мавқеини тиклаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Тарихий йўлимизни ўзимиз танлаб олдик. Лекин чинакам иқтисодий мустақилликни таъминлаш юзасидан пухта ўйланган, изчил чора-тадбирларни амалга оширмасак, сиёсий мустақилликка эришиш тўғрисидаги гаплар шунчаки қуруқ сафсата бўлиб қолаверади. Бу соҳада марказий ва маҳаллий тўраларнинг чексиз зўравонлиги натижасида ўнлаб йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларнинг жуда қаттиқ ва чигал тугунчаларини ечиб ташлашга тўғри келади.

Ҳозирги куннинг аччиқ ҳақиқати шундаки, тангликдан аввало ўз кучимизга таяниб чиқиб олишимиз керак. Бироқ бу биз хўжалик соҳасида маҳдудлик йўлига ўтиб оламиз, деган маънони асло билдирмайди. Аксинча, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро фойдали шериклик асосида барча давлатлар билан хўжалик алоқаларини сифат жиҳатидан янгилаш, кенгайтириш ва чуқурлаштириш лозим бўлади.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқарадиган моллари, бошқа давлатлар билан савдо-сотиқ қилиш учун зарур бўлган маҳсулотлари бор.

Жумҳуриятнинг ҳар бир фуқароси шунга амин бўлиши кераки, бизнинг Ўзбекистон каби табиий иқлими қулай, минералнинг хом ашё заҳираларига бой ва энг муҳими— қадимий маданият соҳиби бўлмиш шундай ажойиб меҳнаткаш халққа эга бўлган ўлкани дунёда топиш амри маҳол.

Ўзбекистоннинг ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида кўп гапириб ўтирмасдан, биттагина мисолни келтирмоқчиман. Масалан, жумҳуриятда ҳар йили қазиб чиқариладиган қимматбаҳо рангли металларнинг қиммати жаҳон нархлари билан ҳисобланса, салкам 1,3 миллиард долларни ташкил этади. Тушуниб турибмизки, бу етарли даражадаги бойлик бўлиб, у билан маҳсулотларни тенг айирбошлашга дадил ўтиш мумкин. Биз четдан ҳар қандай тазйиқ ўтказилишига, ана шу ва барча бошқа бойликларимизни қандай тасарруф этишда юқоридан кўрсатмалар бериш каби ҳолларига сира ҳам йўл қўймаслигимиз лозим.

Биз ўз иқтисодий сиёсатимизни янги қоидалар асосида қурар ва уни республика халқига тавсия этар эканмиз, ўйламай тиқиштирилган мафкуравий ақидаларга эмас, балки Ўзбекистондаги ҳар бир инсоннинг, барча халқнинг талаб ва эҳтиёжларига асосланамиз.

Республика иқтисодиёти ва хўжалик ҳаёти четдан олиб келинадиган ҳеч қандай мафкура ва тазйиққа бўйсунмайди, деб қатъий айтамиз.

Иқтисодий сиёсатда юз бераётган жараёнларни, турли ижтимоий гуруҳларнинг таркиб топаётган манфаатларини ҳолисона эътиборда тутиш, мулкчиликнинг барча шакллари тенглигини таъминлаш, ишбилармонлик ва хусусий ташаббускорликни, меҳнаткашларнинг унумли меҳнатдан манфаатдорлигини рағбатлантиришни ҳисобга олиш йўлига ўтиш керак.

Жумҳуриятнинг бозор иқтисодиётига ўтишини ёқлаётган эканмиз, биз шунинг ўзини пировард мақсад деб эмас, балки бозор иқтисодиётига ўтишни аҳоли турмуш шароитини яхшилаш воситаси деб биламиз. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий қоидаси сифатида аҳоли эҳтиёжлари устиворлигини сўзсиз таъминлаш бу мураккаб жараённи амалга ошириш узлуксизлигини. даврини ва босқичларини белгилаб беради.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатнинг энг асосий вазифаси — аҳолининг камбағал ва ночор тоифалари, биринчи навбатда қариялар, кўп болали оналар, талабалар ва болаларнинг манфаатларини ҳимоя этишдан ва адолатни сақлашдан иборатдир. Яна бир бор такрорлаб айтаман, давлат ҳокимиятининг асосий бурчи мана шундадир.

Аввалги босқич тўла амалга оширилгандан кейингина навбатдаги босқичга ўтиш зарур. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинганлиги бунинг учун барча зарур шарт-шароитларни вужудга келтиради, иқтисодий асосини эса ер усти ва ер ости бойликларига эгалик қилиш, хилма-хил маблағларга эга бўлган ишлаб чиқариш имкониятлари, Иттифоққа бўйсунувчи корхоналарнинг Ўзбекистон ҳуқуқий тасарруфига ўтказилишини таъминлайди.

**Биз кўп укладли иқтисодиётни босқичма-босқич шакллантириш, мулкчилик барча шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги, самарали ривожланиш учун барча турдаги корхоналарга баб-баравар шароит яратиш, меҳнат унумдорлигини таъминловчи омилларнинг мунтазам тизимини яратиш тарафдоримиз.** Бу ўринда шундай омилларга устиворлик бериш керакки, булар инсонни ишлаб чиқариш воситалари ҳамда ўз меҳнати натижаларининг соҳибига айлантириш, мустақиллик, тадбиркорликни ва ташаббускорликни рағбатлантириш мақсадига хизмат қилиши лозим.

Буларнинг ҳаммаси мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, айниқса, муайян кўламларда ва соҳаларда хусусий мулкчиликни қўллашни кенгайтириш орқали амалга ошади.

Эски якка ҳокимлик тизимдан мерос қолган халқ хўжалигининг бир ёқлама, фақат хомашё етказиб беришга қаратилган йўналишини бартараф этмасдан туриб, иқтисодни ривожлантириб бўлмайди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигида муҳим тузилма ўзгаришларини амалга ошириш зарур. Бунинг учун, энг аввало, қишлоқ турмуш даражасини кўтариш керак.

Зеро, давлат тинчлигининг асосий гарови — ҳар бир оиланинг тинчлигидир. «Бой оила — бой давлат» деган шиор бугун айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, табиат билан уйғунликни сақлаб қолган жамиятгина тарихий ривожланиш истиқболига эга бўлади. Бу хусусда Дастуримиз лойиҳасида экология мувозанати талабларига сўзсиз риоя қилиш, минтақа ва ялпи экология муаммоларини илмий асосланган ҳолда тубдан ҳал этиш каби қатор вазифа қўйилган.

Жамиятнинг маънавий жиҳатдан янгиланишига изчиллик билан ёрдам бериш Халқ-Демократик партияси фаолиятининг ажралмас таркибий қисми бўлиши назарда тутилади. Олдимизда жамиятни эзгулик, адолат, қадр-қиммат, одамийлик, ватанпарварлик тўғрисидаги умумбашарий тасаввурлари асосида янгилаш вазифаси турибди.

Тўла маънодаги қурилиш соҳасида сўзда эмас, балки амалда бунёдкорлик ишига киришиш лозим. Бутун жамият, ундаги барча соғлом кучлар ана шундай фаолият томон интилишларини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биз, давлат ва жамоат кафолати ва ёрдами бўлмас экан, маориф, маданият ва санъат соҳаларининг бозор шароитида ривож топиши қийин деб ўйлаймиз.

**(Давоми учинчи бетда).**

